



## АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИДИР

**Азбергенова Мунира Чаржаўвна**

*ҚДУ талабаси*

*muniraazbergenova5@gmail.com*

**Шамшетова Зулхумар Караматдинвна**

*ҚДУ талабаси*

*zulxumarshamshetova2003@gmail.com*

**Аннотация:** Ушбу мақолада давлатимизда адвокатура соҳасидаги олиб борилаётган реформлар ва ўзгаришлар ҳамда бў ўзгаришлар натижасида фуқароларга кўрсатиладиган юридик ёрдам сифати ва самарадорлигини оширилганли, шу билан бирга, одил судловни амалга оширишда тутган ўрни ҳақида, шунингдек адвокатура институтининг ҳуқуқий мақоми Янгиланган Конституциямизда алоҳида боб билан тўлдирилганлиги ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** адвокатура институти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳуқуқий манфаатларни ҳимоя қилиш, бепул ҳуқуқий ёрдам, стратегия.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев юритаётган сиёсат марказида инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади мужассам. Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, аввало, жинойий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, инсон шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китобида таъкидланганидек, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси мустақил адвокатура фаолиятини самарали ташкил этишни назарда тутди. Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир” [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 19-мақсадида [2] “Адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш” га қаратилган вазифалар белгиланган. Мазкур соҳадаги мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:



биринчидан, адвокатура институтини тўлақонли ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтказиш ва адвокатурага ёш малакали кадрларни жалб қилиш;

иккинчидан, адвокатлар палатаси бошқарув органларининг адвокатлар ҳамжамияти олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш;

учинчидан, адвокатлар малакасини ошириш тизимининг замонавий ва институционал асосларини шакллантириш;

тўртинчидан, адвокатлик фаолиятини рақамлаштириш. Бошқача айтганда, адвокатлик фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали ортиқча бюрократия ва қоғозбозликка чек қўйиш, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлари билан электрон ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш;

бешинчидан, бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш;

олтинчидан, нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органларининг хизматларидан оворагарчиликсиз, шу жумладан масофадан туриб ва “ягона дарча” тамойили асосида фойдаланишни таъминлаш кўзда тутилмоқда.

2022 йил 2-5 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегацияси Женевага ташрифи доирасида “Конституциявий ислоҳот: инсон қадри ва ҳуқуқларини таъминлаш – бош мақсад” мавзусида халқаро форумда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарисия-Саян қуйидаги фикрларни билдирди: “Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда адвокатлар ва судьяларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш жуда муҳимдир. Шунингдек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижобий янгиланишлар юксак баҳога лойиқ” эканлигини таъкидлаб ўтган еди [3].

Мамлакатимизда кейинги йилларда адвокатура институтини ривожлантириш, унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлашда тутган ўрни ва ролини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиши натижасида Янги таҳрирдаги Конституциямизда “Адвокатура” номи билан аталувчи янги боб шакллантирилди. Мазкур янги бобда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокатура тизимини кучайтиришга хизмат қилувчи бир қатор модда ва нормалар ўрин олган.

Янги Конституциямизнинг 141-моддасида «Жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатура фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланади», 142-моддасида «Адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди. Адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланади. Адвокат,



унинг шаъни, кадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади ва қонун билан муҳофаза қилинади» дея таъкидлаб ўтилган [4].

Адвокатурага бағишланган янги бобнинг Конституцияда акс этиши фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошишига, малакали юридик ёрдам олиш кафолатининг кучайишига, пировардида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақил адвокатура институтининг ташкил этилиши жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган юридик ёрдам сифати ва самарадорлигини оширишга, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://insonhuquqlari.uz/uz/news/m9185>
2. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон <https://lex.uz/docs/5841063> 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон)
3. <http://insonhuquqlari.uz/uz/news/m9185>
4. *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси*  
<https://lex.uz/docs/6445145> 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон)